

## ҚИЗИЛСОЙ

Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари  
бўйлаб пиёда саёҳат  
ДАСТУРИ

*Маршрут: Тошкент вилояти  
Бўстонлик тумани (Қизилсой -  
Қайинзор)*

*Давомийлиги: 1 кун.*

*Транспорт: Микроавтобусда  
Тошкент вилоятига борилади ва  
экскурсия пиёда давом  
эттирилади.*

*Тошкент ш., Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 34-уй*

*Телефонлар: +998712319942, +998951776250*

*E-mail: [info@traveladvisor.uz](mailto:info@traveladvisor.uz)*

Тошкент – Бўстонлик – Қизилсой – Тошкент

# ҚИЗИЛСОЙ

## Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёҳат ДАСТУРИ

**Маршрут:** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани (Қизилсой - Қайинзор)

**Давомийлиги:** 1 кун.

**Транспорт:** Микроавтобусда Тошкент вилоятига борилади ва экскурсия пиёда давом эттирилади.

**Қисқача мазмуни:** Маршрут “Сокол” болалар оромгоҳидан бошланиб, Қизилсой дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб кўтарилиш, дарё томон тушиш ва ўнг орографик қирғоғига ўтиш, қайинзорга чиқиш, дам олиш, тушлик, сўнг Қизилсойнинг ўнг қирғоғи бўйлаб тушиш ва шаршараларда чўмилиш ҳамда Бошланғич нуктага қайтишни ўз ичига олади (саёҳат дастури қисқа масофада енгил “tracking” бўлиб, асосан ўрта ёшлиларга мўлжаланган, масофа - 10 км.).

Вақти (Давомийлиги)	Объект
7:00	Тошкент шаҳрида “Тошкент темирйўл вокзалида” йиғилиш ва Тошкент вилоятига жўнаб кетиш
7:00-8:00 (60 дақиқа)	Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига етиб бориш
8:20 - 12:00 (3,5 соат)	Қизилсой дарёси қирғоғи бўйлаб пиёда юриш, қайинзорга чиқиш.
12:00-14:30 (2,5 соат)	Тушлик (пикник) дам олиш
14:30-17:30 (3 соат)	Қизилсойнинг ўнг қирғоғи бўйлаб пиёда ортга қайтиш ва шаршараларда тўхтаб дам олиш ва чўмилиш (гузал манзараларда фото суратга тушиш ва б.).
17:30-18:30 (60 дақиқа)	Тошкент шаҳрига етиб келиш

## ҚИЗИЛСОЙ

### Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёхат ДАСТУРИ

## Тошкент – Бўстонлик – Қизилсой – Тошкент

### Бўстонлик тумани

Бўстонлик тумани – Тянь-шань тоғ тизимидаги Угом, Писком, қисман Қоржонтов, Чатқол тизмалари оралиғида жойлашган гўзал табиатга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Туманнинг дарё ва сойлари Чирчиқ дарёсининг ирмоқлари бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Писком, Угом, Кўксув, Чатқол, Оқтош, Чимён ва бошқалардир. Писком ва Чатқол дарёлари кўшилган жойда Чорвоқ сув омбори барпо этилган. Ҳудудда баланд тоғ арча ўрмонлари бўлиб, ўрмонзорларнинг аксари қисми ўрмончилар томонидан барпо қилинган. Баҳор ойларида турли ўт-ўланлар, лола, чучмома, бойчечак атрофни гиламдек қоплаб ажиб бир манзара ҳосил қилади. Ёввойи ҳайвонлардан тўнғиз, айиқ, бўри, тулки, бўрсиқ, қушлардан қораялоқ, зағизғон, каклик, ўрдакни учратиш мумкин.



**1-кун. Тошкент – Бўстонлик – Қизилсой.**

**7:00** – Тошкент шаҳридан жўнаб кетиш *(Тошкент темирйўл вокзалида йиғилиш)*.

**8:00** – Тошкент вилояти Бўстонлик туманига етиб бориш.

**8:15** – Бироз хордиқ чиқариш ва экскурсияга тайёргарлик кўриш.

**8:20** – Экскурсияни “Сокол” болалар оромгоҳидан Қизилсой дарёси қирғоғи бўйлаб пиёда юришдан бошлаш.

## ҚИЗИЛСОЙ

### Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёхат ДАСТУРИ

## Тошкент – Бўстонлик – Қизилсой – Тошкент

### Қизилсой

Мингбулоқ тоғининг Жанубий ён бағирларидан пастга оқиб тушадиган Қизилсой Тошкент вилоятидаги Қоржантов оралиғидаги энг узун ва энг катта сойлардан биридир. Қизилсойнинг тоғли-адирлари ва табиати сайёҳлар учун жуда қизиқ. Бу ерда қоялар Қизилсойга яқиндан-яқинлашиб, ўзига хос ва гўзал кўринишларни ҳосил қилган. Геологик ўзгаришларга юқори даражада тобе бўлган бу жойда бир-бирдан қизиқарли шаршараларни учратиш мумкин. Шунингдек, Қизилсой ва Хўжикент қишлоқлари яқинида олма боғлари мавжуд. Қизилсой бўйлаб олхўри, тут бор. Ён ирмоқларда ва намиққан ён бағирларда ёнғоқ кенг тарқалган. Соининг узунлиги 54 км. Ҳавзасининг майдони 363 км<sup>2</sup>. Чатқол тизмасининг ғарбий тармоғидан, Чатқол кўриқхонаси худудидаги Қизилнура тоғидан ярим км жануби ғарбда, денгиз сатҳидан 3080 м баландликда бошланади. Юқори оқимида (чап ирмоғи Оқтошсойнинг қуйилишигача) Бошқизилсой деб аталади. Қуйи қисмида суви суғоришга сарфланади. Асосан, қор, қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи қуйилишидан 23 км да 1,46 м<sup>3</sup>/сек. Тўлинсув даври фев. —мартда, энг кам сув сарфи авг. —сентябрда кузатилади ва 2,22—0,11 м<sup>3</sup>/сек. орасида ўзгаради.



**8:20 – 12:00** Қизилсой дарёси қирғоғи бўйлаб пиёда юриш, Қайинзорга чиқиш.

**12:00 - 14:30** – Тушлик ва дам олиш.


**14:30** – Экскурсияни давом эттириш.

## ҚИЗИЛСОЙ

### Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёҳат ДАСТУРИ

#### Тошкент – Бўстонлик – Қизилсой – Тошкент

Экскурсия давомида - Қизилсой шаршарасида бўлиб у жойда чўмилишингиз ва қайин дарахти ёнида дам олишингиз, йўлма-йўл кўп йиллик тажрибага эга йўл бошловчидан Қизилсой ва унинг табиати ҳақида жуда кўп қизиқарли маълумотларни олишингиз мумкин. Ёзнинг охирида олма ва мазали маймунжон бу ерда мўл-кўл бўлади. Уларни татиб қуришингиз мумкин бўлади, пиёда юриш давомида сўқмоқлар бўйлаб 14 км атрофида юрилади.



**14:30-17:30** - Қизилсойнинг ўнг қирғоғи бўйлаб пиёда ортга қайтиш ва шаршараларда тўхтаб дам олиш, чўмилиш ва гузал маназарларда фото суратга тушиш ва бошқалар.

**17:30 - 18:30** – Тошкент шаҳрига етиб келиш.



# ҚИЗИЛСОЙ

## Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёҳат ДАСТУРИ

### ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

#### 1.Йўналишнинг асосий кўрсаткичлари

Йўналиш номи:	“Қизилсой”
Туристтик йўналиш тури:	“пиёда-туризм”
Йўналиш узунлиги:	170 км.
Шу жумладан пиёда:	10 км.
Транспорт воситасида	160 км.
Саёҳат давомийлиги:	1 кун.
Гуруҳдаги сайёҳларнинг минимал сони:	6 киши.
Саёҳат нархи:	1 500 000 сўм
Бир ойда олиб бориладиган гуруҳлар сони:	1 та.
Шу жумладан,	Март 1 та Апрель 1 та Май 1 та

**Сайёҳларга тарқатиладиган тарқатма материаллар турлари:** (2 хил) Саёҳат дастур ва саёҳат йўриқномаси.

**Туристтик йўналиш ёки алоҳида объектни қайси дастур орқали тарғибот қилиниши:** ташкилотнинг расмий веб-саҳифасида, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида, телеграм каналида ҳамда рекламага ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқларида.

**Туристтик саёҳат бошланадиган туристик объект манзили:** Тошкент вилояти “Сокол” болалар лагери.

# ҚИЗИЛСОЙ

## Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёҳат ДАСТУРИ

### 2. Йўналишда сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича дастур

№	Ташриф бериладиган ҳудудлар номи	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган объектлар номи	Режалаштирилган туристик хизматлар тури	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган овқатланиш шаҳобчалари номи	Саёҳат давомида ташриф буюриладиган жойлаштириш воситалари номи
1.	Тошкент вилояти		Транспорт хизмати	Жойида ташкил қилинади	Чодир (палатка)
1.1.	Бўстонлик тумани	Қизилсой дарёси, 3 та шаршара, Қайинзор, мафтункор табиат, тоғ ва сойи	Гид (йўлбошловчи) хизмати		

### 3. Туристтик саёҳат таъминоти режаси корхонанинг раҳбари:

№	Ташриф буюриладиган объектлар номи	Туризм хизмати тури	Бир сайёҳ учун нархи	10 кишилик гуруҳ учун нархи
1.	Қизилсой дарёси	Транспорт хизмати	100 000 сўм	1 000 000 сўм
2.	Шаршара	Гид йўлбошловчи хизмати	100 000 сўм	1 000 000 сўм
3.	Қайинзор, мафтункор табиат	Тушлик	50 000 сўм	500 000 сўм
4.	Тоғ ва сой			
6.	<b>Жами</b>		<b>250 000 сўм</b>	<b>2 500 000 сўм</b>

# ҚИЗИЛСОЙ

## Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёҳат ДАСТУРИ

### “TRAVEL ADVISOR” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган янги туризм маршрутларни ТАРҒИБ ҚИЛИШ РЕЖАСИ

"TRAVEL ADVISOR" МЧЖ «Қизилсой» янги сайёҳлик маршрутини ташкил қилиш, амалга ошириш, реклама ва тарғиб қилиш бўйича маркетинг режасини тақдим этади.

Биз мавжуд бўлган барча манбаалар ва ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда, маҳаллий ва чет эл сайёҳларга, мижозларимиз ҳамда бизнес шерикларимиз учун дастур бўйича босма ва электрон материаларимизни тақдим этиш масаласида батафсил ёндашишга қарор қилдик.

Бизнинг режамизга асосан биринчи қадам бу - сайёҳларга тарқатиладиган Саёҳат дастури, саёҳат йўриқномаларини, босма ва электрон материаллар (видео роликлар ва фотолар) ишлаб чиқиш.

Иккинчи қадам бу – ушбу туристик йўналиш ёки алоҳида объектларни компаниямизнинг расмий веб-саҳифаси charvak.uz да, facebook ва Instagram ижтимоий тармоқлардаги компаниямизнинг саҳифаларида (fb.com/charvak.travel бизнес саҳифасида ҳозирги кунда 2000 га яқин обуначилар мавжуд), чет эл ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш учун пуллик промоушнлар ва реклама кампанияларини ўтказиш, компаниямизнинг Telegram канали ([https://t.me/charvak\\_uz](https://t.me/charvak_uz)), Telegram Ўзбекистон туроператорлар гуруҳида (500 дан ортиқ туркомпаниялар гуруҳи) ҳамда туризмга ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқлар (tripadvisor.com, mytrip.com, Google Ads ва бошқалар) орқали ушбу дастур тарғибот қилинишини режалаштирганмиз.

**Вебсайт:** [www.charvak.uz](http://www.charvak.uz)

**Facebook.com:** @charvak.travel

**Telegram:** @charvak\_uz



# ЎЗБЕКИСТОН

## Тошкент вилоятининг сўлим гўшалари бўйлаб пиёда саёҳат ДАСТУРИ

### “TRAVEL ADVISOR” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган янги туризм маршрутларни ТАРҒИБ ҚИЛИШ РЕЖАСИ

т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	2021 йил											
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Янги туризм маршрутлари бўйича алоҳида тақдимот ва тарқатма материаллари лойиҳасини тайёрлаш.												
2	Тақдимот ва тарқатма материалларни электрон шаклда ташкилотнинг расмий веб-саҳифасига, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига, телеграм каналига ҳамда рекламага ихтисослаштирилган бошқа интернет тармоқларига жойлаштириш.												
3	Туризм маршрутлари бўйича қисқа видео роликлар тайёрлаш.												
4	Видео роликларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.												
5	Туризм маршрутлари бўйича реклама баннерларини тайёрлаш.												
6	Реклама баннерларини билбордларга жойлаштириш.												
7	Фаол тарғибот кампаниясини олиб бориш												

Туристтик саёҳат ташкил этувчи корхона манзили: 100100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 34-уй.

3.Туристтик саёҳат ташкил этувчи корхонанинг раҳбари: Юнусов Фарҳад Зоҳидович